**Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларни озиқ – овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича**
**№ 2 - сонли ШАРТНОМА**

2022 йил «11» январь Бешарик туман

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи **"5-Ариқ " МЧЖ** (кейинги ўринларда «Сотувчи» деб аталади) номидан раҳбари Б.Пулатов биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги хамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Бешариқ туман мактабгача таълим бўлими номидан (келгусида «Харидор» деб аталади) раҳбари Ш.А.Бараталиева ўрталарида қуйидаги мақсадларда тузилди.

**1.Шартнома предмети**

1.1.«Сотувчи» «Харидор»га қуйидаги маҳсулотларни етказиб беради: Озиқ-овқат махсулоти

1.2.Мазкур шартноманинг умумий қиймати: 37 351 000 ( **Ўттиз етти миллион уч юз эллик бир минг** ) **сўм 00 тийин** ни ташкил қилади.

1.3. Маҳсулотлар 2022 йил январь ойига қуйидаги ассортиментда етказиб берилади:

| Махсулот номи | Ўлчов бирлиги | Микдори | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|
| Булочка | Кг | 1462 | 10500 | 15 351 000 |
| Олма | Кг | 2200 | 10000 | 22 000 000 |
| Жами | | | | 37 351 000 |

**Изох:** Шартнома муддати бир ойдан ортиқ бўлганда ассортимент бўйича олинаётган махсулот турлари ва нархлари келгуси ойлар учун талаб ва эхтиёждан ва нарх-наволардан келиб чиққан холда алохида спецификацияя холатида тузилиб иккала томон ўртасида тасдиқлангандан сўнг ушбу шартномага илова қилинади ва шартномани ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Ушбуни натижасида шартномани умумий суммаси ўзгарган холатда қўшимча келишув орқали шартномани суммасига ўзгариш киритилади.

**2. Ҳисоб-китоб шартлари.**

2.1 Олинган озиқ -овқат маҳсулотлари учун махсулот спецификациясида белгиланган нархда тўлов жадвали бўйича хисоб-китоб қилинади.

2.2 «Харидор» олдиндан 30 % микдорида 11 205 300 сўм тўловни амалга оширади хамда тўлиқ хисоб-китобни махсулот олингандан сўнг шартнома амал қилиш муддатида счёт фактураларга асосан пул ўтказиш йўли билан амалга оширади. Шартнома бир ойдан ортиқ муддатга тузилганда 30% миқдорида олдиндан тўлов жадвалига асосан хар ойда амалга оширилиб борилади.

2.3 Маҳсулотлар учун нарх махсулот етказиб беришга даъвогар бўлган корхоналарнинг тижорат таклифларидан хамда худуддаги ўртача бозор нархлари, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тақдим этилган нарҳлардан келиб чиққан холда тақдим этилаётган махсулотларни сифатини эътиборга олиб ўзаро танлов асосида белгиланади. Озиқ-овқат махсулотлари учун нарх бозор нархларидан ошмаган холда сифат даражасига қараб етказиб берувчи ва истеьмолчи ўртасида ўзаро келишилиб белгиланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида етказиб берилган озиқ- овқат махсулотлари белгиланган нарҳлар юқори деб топилса, ушбу фарқ «Сотувчи» зиммасидан қопланади.

**3. Махсулот етказиб бериш:**

3.1«Сотувчи» шартномада белгиланган маҳсулотларни келишилган тақсимотномага асосан бюджетдан маблағ олувчи муассаса манзилгохларига белгиланган муддатларда яъни 2022 йил январь ойида етказиб беради ва транспорт харажатларини ўз зиммасига олади.

**4. Томонлар хуқуқи ва мажбуриятлари:**

4.1 «Сотувчи» махсулотни сифатини тасдиқловчи хужжат (мувофиқлик сертификати ва санитария-гигиена сертификати, гўшт маҳсулотлари учун ветеринария бўлими хулосаси ва хоказолар) ҳамда махсулотдан намуна тақдим этади ва айнан шу намунадаги махсулотни жойларга етказиб берилишига кафолат беради ва хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.

4.2. «Сотувчи» «Харидор» томонидан ишонч билдирилган, муассаса раҳбари ва бош хисобчи томонидан имзоланган, ҳамда юмалоқ мухр босилган ишонч қоғози кўрсатган вакилга махсулот беради. Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»нинг ишонч қогозида кўрсатилмаган махсулотларни ёки маҳсулотларни ишонч қоғозида белгиланган микдоридан ортиқ берган холларда бу махсулотлар учун

«Харидор» томонидан хақ тўланмайди. Шунингдек, «Сотувчи» томонидан «Харидор»га сифатсиз ёки сертификатсиз махсулотларлар етказиб берилса бу маҳсулотлар «Сотувчи»га қайтариб берилади ёки бу маҳсулотлар учун хақ тўланмайди.

4.3.«Сотувчи» етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варакларда тўлиқ ва аник номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларини расмийлаштириши шарт Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди. Ушбу ҳолатлар тегишли далолатномалар оркали расмийлаштирилади.

4.4. «Харидор» «Сотувчи» томонидан юборилган маҳсулотни шартнома шартлари ва спецификацияга тўғри келишини текшириб кабул килиб олгандан сўнг олинган маҳсулот учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

**5.Томонлар жавобгарлиги**

5.1 Агар “Етказиб берувчи”томонидан “Сотиб олувчи”га сифатсиз,ёки сақлаш муддати ўтиб кетган махсулотларни етказиб берган холда “Сотиб олувчи” “Етказиб берувчи”дан бундай махсулотларнинг умумий кийматидан 20% жарима кўллаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

5.2 Агар “Етказиб берувчи”томонидан “Сотиб олувчи”га белгиланган махсулотлар белгиланган муддатда етказиб берилмаса, “Етказиб берувчи” муддати ўтган хар бир кун учун кечиктирилган махсулот кийматининг 0.5% миқдорида лекин кечиктирилган махсулот қийматининг 50% дан ошмаган холда “Сотиб олувчига пеня тўлайди.

5.3 Агар “Сотиб олувчи” “Етказиб берувчи”дан олинган махсулот пулини белгиланган муддатда тўлаб бермаса, муддати ўтган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4% миқдорда, лекин кечиктирилган тўловнинг 50% ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.4 Жарималар тўланиши «Етказиб берувчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

**6.<Форс-мажор>**

6.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолларда бузилса (яъни сув тошқини,енғин,зилзила,бошқа табиий офатлар ва хукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

**7. Шартнома муддати**

7.1 Шартноманинг амал қилиш муддати **2022 йил 31-январгача** Маълум сабабларга кўра олинган махсулот учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун кўшимча вақт белгиланади

**7.2 Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:**

а) томонлар ўзаро ёзма келишувига асосан; б) «Сотувчи» томонидан етказиб берилган маҳсулотни сифатсизлиги тўғрисида «Харидор» томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда; в) «Сотувчи» томонидан мазкур шартноманинг 4.1 , 4.2, 4.3. бандлари бажарилмаганда; г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани ҳолда «Сотувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;

д)нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши ёки кўпайиши)лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;

Изоҳ: **б,в,г,д** пунктлари бўйича шартномалар «Харидор» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилингани тўғрисида «Харидор» «Сотувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум қилади.

**8 Кўшимча шартлар**

8.1 Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал қилинади. Ўзаро хал қилинмаган такдирда Ўзбекистон Республикаси конунларига асосан Хўжалик судлари орқали хал қилинади.

8.2 «Таъминотчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган хужжатлардан (лицензия, гувоҳнома, сертификат) «Истеъмолчи»га тақдим этади.

8.3 Шартномани бажарилиши учун тааълуқли хужжатларни хаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу хужжатларни тақдим этаётган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.

8.4 Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг белгиланган тартибда ва муддатда тегишли ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

8.5 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва мухрлари билан тасдиқланиб ***тегишли ғазначилик бўлинмасида*** рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади.

**Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:**

**"5-Арик " МЧЖ**

(етказиб берувчининг (пудратчининг) номи)
Манзил: Бешариқ шахри
Тел./факс: 93-643-00-01
**х/в: 2020 8000 700951213001**
Банк номи Миллий банк Бешариқ филиали
МФО 00885 СТИР 305909019
ИФУТ ___________

Раҳбар (лавозими) (имзо) Б.Пулатов (Ф.И.О.)

«Буюртмачи»
**Бешариқ тумани мактабгача таълим бўлими**
(буюртмачи номи)
Манзил: Бешариқ шахри Сирдарё кўчаси
Тел./факс 6121627
шғҳ*100022860302157091100251001
Ташкилотнинг СТИРи 305153351
ИФУТ 84112

Ғазначилик бўлинмасининг номи Бешариқ тумани бўйича Ғазначилик бўлинмаси
**ЯҒҲ: 23 402 000 300 100 001 010**
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)
МФО:00014 Ғазначилик бўлинмасининг СТИРи 201122919

Буюртмачи раҳбари_________**Ш.А.Барагалиева**
(лавозими) (имзо) (Ф.И.О.)

…ктрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: S0467088488

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
BESHARIQ TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

150300, Beshariq tumani, Oltin Vodiy ko'chasi, 46-uy, tel.: (998 73) 612 21 19,
www.farg'ona.adliya.uz, el.pochta: beshariq.t-yurmarkaz@adliya.uz

**11.01.2022 yil**

Beshariq tuman
Maktabgacha ta'lim bo'limi

**XULOSA**
(Maktabgacha ta'lim bo'limining
2-sonli shartnoma loyihasiga)

**1. Loyihaning turi:** Shartnoma.

**2. Loyhaning nomi:** Byudjetdan mablag' oluvchi muassasalarni oziq – ovqat mahsulotlari bilan ta'minlash bo'yicha №2-sonli shartnoma.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:** Beshariq tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 2022 yil 11 yanvar kuni ishlab chiqilib va shu kuni dasturga kiritilgan.

**4. Loyiha bo'yicha taklif:** Beshariq tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi hamda "5-Ariq " MChJ bulochka, olma mahsulotlarini yetkazib berish to'g'risidagi 37 351 000 ( O'ttiz yetti million uch yuz ellik bir ming ) so'm 00 tiyin №2-sonli shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiqligi o'rganib chiqildi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 27 sentyabrdagi PQ 3953-son qarori bilan tasdiqlangan "Davlat buyurtmachilari tomonidan to'g'ridan-to'g'ri shartnomalar bo'yicha xarid qilinadigan tovarlar (ishlar, xizmatlar) ro'yxati"ning 27-bandida, davlat xaridlari sohasidagi vakolatli organ bilan kelishilgan ro'yxat bo'yicha ta'lim muassasalari, oziq-ovqat mahsulotlari xarid qilish uchun to'g'ridan-to'g'ri shartnomalar tuzishi mumkinligi ko'rsatilgan. Shartnoma loyihasiga tadbirkorlik sub'ektining guvohnomasi ilova qilingan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra:

**XULOSA**

Mazkur shartnoma loyihalarini tuzish amaldagi qonunchilikka muvofiq hisoblanadi.

**Beshariq tuman YuXKM**
**bosh yuriskonsulti** — **X.Abdurafiqov**

1521684

## Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"5 ARIQ" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"5 ARIQ" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

17.12.2018 657188 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 305909019

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Farg'ona viloyati, Beshariq tumani, Beshariq, Bobur ko'cha 8 a uy,

Guvohnoma: Farg'ona viloyati, Beshariq tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

**№149816**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ҚЎҚОН ШАҲАР ДАВЛАТ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ НАЗОРАТИ МАРКАЗИ

*(санитария-эпидемиологик хулосани берган муассасанинг номи)*

Аккредитация гувоҳномаси 20.12.2010 йил №UZ.AMT.07.MAI. 617.

*(аккредитация гувоҳномасининг олинган йили ва санаси)*

№ 149816

# САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУЛОСА

2019 йил «18» февраль дан 2022 йил «18» февраль гача ҳақиқий ҳисобланади.

Ушбу хулоса билан: «5 ARIQ» МЧЖ

*(ишлаб чиқарувчи, келиб чиқиш давлати, олиб келувчи)*

Фарғона вилояти Бешариқ тумани Бешариқ шаҳар Олтин водий кўчаси

*(импорт, маҳаллий маҳсулотларга алоқадор меъёрий ёки асословчи ҳужжатлар)*

Ишлаб чиқарилган (олиб келинган) маҳсулот: 1-навли буғдой унидан 0.5 kg вазндаги

*(маҳсулот номи, миқдори)*

ҚОЛИПЛИ НОН, 0.05 kg вазндаги БУЛОЧКА махсулотлари - ишлаб чиқариш

санитария-гигиена лабораториясининг 18.02.2019 йилдаги 48-49- сонли (захарли элементлар:

кўрғошин, маргимуш, кадмий, симоб, мис, рух, микотоксинлар: афлотоксин $B_1$, дезоксиниваленол,

Т-2 токсин, зеараленон, гексахлорбензол, пестицидлар: ГХЦГ, ДДТ ва унинг метаболитлари,

радионуклидлар: Цезий-137, Стронций-90), синов баённомасига асосан маҳсулот намунаси

ЎзР МТР-8 ва ЎзР ССВнинг 0283-10-сонли (1.4.7.-банд)

*(ўтказилган лаборатория текширувлари баённомалари, натижалари)*

Санитария қоида ва меъёрлари талабларига ЖАВОБ БЕРАДИ.

Хулоса олувчи: «5 ARIQ» МЧЖ

*(муассаса номи ва юридик манзили)*

Фарғона вилояти Бешариқ тумани Бешариқ шаҳар Олтин водий кўчаси

*(олиб келувчининг юридик манзили ёки маҳсулот ишлаб чиқарувчининг манзили)*

Қўлланиладиган, ишлатиладиган соҳа: Озиқ-овқат маҳсулоти

Ишлатиш, ташиш, сақлаш ва хавфсизлигига оид шарт-шароитлар Махсулотни ишлаб чикариш, ташиш, саклаш ва сотишда санитария-гигиена коидаларига катъий риоя килинганда хакикий хисобланади.

Махсус белгилар: Санитария-эпидемиологик хулосаси нусхаси хулоса берган муассаса мухри, рахбари имзоси, нотариал тасдиқланганда ёки хулоса олган юридик шахснинг мухри билан хакикий хисобланади.

Бош врач: Ғ.МИРЗАМАХМУДОВ

*(санитария-эпидемиологик хулосасини берувчи муассаса раҳбарининг фамилияси ва исми, шарифи)*

М.У.

2019 йил «18» февраль

НАЦИОНАЛЬНАЯ СИСТЕМА СЕРТИФИКАЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ОРГАН ПО СЕРТИФИКАЦИИ ПРОДУКЦИИ при ГП КОКАНДСКОГО ЦИС

г.Коканд, ул.Ш.Рашидова, №1А, №UZ.AMT.06.MAI.320.

(Наименование органа по сертификации, адрес, № в Гос. реестре)

№ 2181620

# СЕРТИФИКАТ СООТВЕТСТВИЯ

Зарегистрирован в Государственном реестре

" 20 " февраля 2019 г.

№ UZ.SMT.01.320.2380367

Действителен до " 20 " февраля 2022 г.

Код ТН ВЭД

(справочный)

ООО «5-ARIQ» Республика Узбекистан

(предприятие, фирма, страна-изготовитель)

Настоящий сертификат удостоверяет, что идентифицированная должным образом продукция:

Булочки «семейные» из пшеничной муки 1-го сорта весом 0,05 kg

серийное производство

(количество или серийное производство) (наименование, тип, вид, марка)

соответствует требованиям нормативной документации СТР 008-2017 прил. №6, O`zDSt458:2017, п. 4.2.34.2.4, 5.1 СаН-ПиН 0283-10 п.1.4.7

Схема сертификации: №3

Заявитель (изготовитель, продавец) ООО «5-Ariq»

(нужное подчеркнуть)

Ферганская обл., пос.Бешарык ул.Бобур №8

(адрес)

Сертификат выдан на основании:

а) документов Решение № 123

Санитарно-эпидемиологическое заключение № 149816 от 18.02.2019г выданный Кокандским городским ЦГСЭН протокол испытаний № 49 от 16.02.2019г.

б) испытания образцов в аккредитованной лаборатория при ГП Кокандского ЦИС свидетельство об аккредитации № UZ .AMT.07.MAI 940 от 30.06.2015г. протокол испытаний № 01/31-19 от 20.02.2019г.

в) акта проверки производства ОС при ГП Кокандского ЦИС от 20.02.2019г.

Инспекционный контроль осуществляет ОС при ГП Кокандского ЦИС

с периодичностью: не менее 1-го раза в год

Особые отметки: Сертификат действителен при условии соблюдения условий хранения , транспортировки и требований договора о предоставлении права применения сертификата соответствия и знака соответствия

Знак соответствия проставляется: на товара сопроводительной документации.

Θ 320

Примечание: Копия сертификата соответствия действительна только после заверения печатью органом по сертификации или держателем подлинника.

Руководитель органа по сертификации М.П. (подпись) М.И.Азамова (Ф.И.О.)

Эксперт М.П. (подпись) И.Г.Ходжаев (Ф.И.О.)